

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.FiL/Ped.83.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ФАЙЗУЛЛАЕВА УМИДА ИЛХОМОВНА

**ВИРЖИНИЯ ВУЛФ РОМАНЛАРИДА АЁЛ ИЧКИ ДУНЁСИНИНГ
ТАСВИРЛАНИШИ**

10.00.04. – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Content of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD)
on Philological Science**

Файзуллаева Умида Илхомовна

Виржиния Вулф романларида аёл ички дунёсининг тасвирланиши 3

Файзуллаева Умида Илхомовна

Изображение внутреннего мира женщины в романах Вирджинии Вулф..... 23

Fayzullaeva Umida Ilkhomovna

The image of a woman's inner world in the novels of Virginia Woolf..... 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 45

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.FiL/Ped.83.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ФАЙЗУЛЛАЕВА УМИДА ИЛХОМОВНА

**ВИРЖИНИЯ ВУЛФ РОМАНЛАРИДА АЁЛ ИЧКИ ДУНЁСИНИНГ
ТАСВИРЛАНИШИ**

10.00.04. – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Fil337 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Жиззах давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилида (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.samdchti.uz) ҳамда “ZiyoNet” ахборот тармоғида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Холбеков Муҳаммаджон Нуркасимович
филология фанлари доктори, профессор


Расмий оппонентлар: Бақоева Муҳаббат Қаяумовна
филология фанлари доктори, профессор
Халлиева Гулноза Искандаровна
филология фанлари доктори, профессор

Етақчи ташкилот: Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат чет тиллар институти ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил “12” шОМБ соат 11:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд, Бўстонсарой кўчаси, 93-ўй. Тел: (99866) 238-29-37; факс: (99878) 210-00-18; e-mail: info@samdchti.uz. Самарқанд давлат чет тиллар институти бош биноси).

Диссертация билан Самарқанд давлат чет тиллар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд, Бўстонсарой кўчаси, 93-ўй. Тел: (99866) 238-29-37.

Диссертация автореферати 2020 йил “02” - шОМБ кuni тарқатилди.
(2020 йил “__” _____ даги № _____ рақамли реестр баённомаси)



И.М.Тухтасинов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси педагогика фанлари доктори, доцент

А.А.Яхшиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби филология фанлари номзоди, доцент

Н.Қ.Турниёзов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳон адабиётшунослигида XIX аср охири – XX аср бошларига келиб, бадий синтезга жиддий эътибор қаратила бошланди. Жумладан, ушбу масала Европада оммавийлашган модернистик оқим дастурини белгилашда, уни идрок ва талқин қилишда ҳал этувчи аҳамият касб этди. Модернист адиблар, яъни француз адиби Марсель Пруст, немис адиби Франц Кафка, инглиз адиблари Жеймс Жойс ва Виржиния Вулфлар ижоди муҳим аҳамият касб этди. Тарихий бурилиш даври адабиёти ва санъати нафақат янги услуб, балки янги мазмун ҳам кашф этди. Оламга, шахсга нисбатан янги қарашларнинг вужудга келиши адабиётшуносликнинг долзарб масаласи тадқиқи соҳа тараққиётини белгиловчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Дунё адабиётида XX аср мобайнида «аёллар образи»нинг кенг талқин этилиши, аёл муаммосини, аёллар бадий ижодининг ўзига хослигини, заковатли аёлларнинг чуқур руҳий жараёнларини тасвирлаш жараёнидаги муаллифлик стратегиясини яққол очиб бериш долзарб масалалардан эди. Ёзувчилар аёл образини талқин этаркан, бевосита инсон ҳис-туйғуларига, унинг руҳий дунёсига мурожаат этадилар. Модернизмнинг ёрқин вакилларида бири Виржиния Вулф бунга мисол сифатида асарларида кўпинча аёл муаммосини, аёллар адабий ижодини кўтариб чиқиб, аёл образини асарларида ўзига хос равишда акс эттирган. Бинобарин, янги давр мутахассислари аёллар адабий ижодининг ўзига хослигини тадқиқ этиш, ўз навбатида, бундан дунё илмий жамоатчилигини хабардор этиш заруратини юзага келтиради.

Ўзбек адабиётшунослигини давр талабига мувофиқ янги тадқиқот услублари билан бойитиш ҳозирги кунда долзарб масала бўлиб бормоқда. Адабиёт– халқ маънавияти ҳамда маърифатининг кўзгуси ҳисобланади. Ҳозирги кунда ижтимоий-сиёсий ҳамда маданий-маърифий соҳаларда ислохотлар авж олган бир даврда ўзбек адабиётшунослиги олдига ҳам бир қатор янги вазифалар қўйилмоқда. “Адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу аввало халқимизга эътибор, келажакимизга эътибор эканини, буюк шоиримиз Чўлпон айтганидек, адабиёт, маданият яшаса, миллат яшаши мумкинлигини унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ”¹. Шу маънода, инглиз адибаси Виржиния Вулфнинг модернистик прозаси бадий тузилишини тадқиқ этиш замонавий ўзбек адабиётшунослигининг кўп қиррали имкониятларини очиб берувчи янги йўналиш сифатида қаралади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари

¹ Мирзиёев Ш. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. // Халқ сўзи, 2017 йил, 4 август.

тўғрисида”ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари ва ушбу мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.²

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари”га мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон адабиётшунослигида Виржиния Вулф ижодини ўрганиш ўтган асрнинг 20-йилларида бошланган эди. Ўтган йиллар давомида адиба ҳаёти ва ижодий фаолияти, асарлари таҳлилига бағишланган юзлаб мақола ва тадқиқотлар яратилди. Улар орасида жаҳон адабиётшунослигида У.Холтби,³ Е.М.Форстер,⁴ И.Рантаваара,⁵ Ж.Беннет, Р.Чемберс, Д.Дэйчез, Д.Хэфли,⁶ Уолтер Аллен, А.Кеттл, Н.Такур, В.Келли, Ли Гермиона,⁷ Миллер Ж.Хиллис,⁸ Ж.Неймор,⁹ Рихтер Харвена, Ч.Сеймур, Ди Баттиста, М.Кумар К.Шив, русадабиётшунослигида Д.Г.Жантиева,¹⁰ Н.П.Михальская,¹¹ Е.Гениева,¹² Г.В.Аникин, Н.И.Бушманова,¹³ М.М.Бахтин,¹⁴ Д.В.Урнов, С.Н.Филюшкина ва ўзбек адабиётшунослигидан М.Н.Холбеков,¹⁵ Д.Қуронон¹⁶ каби олимларнинг ишларида ўрганилган. Ушбу диссертация ўзбек адабиётшунослигидаги бевосита Виржиния Вулф экспериментал романларига бағишланган биринчи тадқиқот ҳисобланади.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. // Халқ сўзи, 2017 йил 8 февраль, № 28 (6722) // http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=3107036; “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2909-сон қарори // http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=31711590; // (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017й., 18-сон, 313-модда, 19-сон, 335-модда, 24-сон, 490-модда.

³Holtby, Winifred. Virginia Woolf. London, 1932.

⁴Forster E.M. The Early Novels of Virginia Woolf// Forster E. M. Abinger Harvest. New York, 1953

⁵Rantavaara, Irma. Virginia Woolf and Bloomsbury. Helsinki, 1953.P.

⁶Hafley, James Robert. The glass roof: Virginia Woolf as novelist. Berkeley: University of California Press, 1954

⁷Lee, Hermione. The novels of Virginia Woolf. London: Methuen, 1977.

⁸Miler, J. Hillis. fiction and repetition: Seven English Novels. Cambridge, 1982.p 17

⁹Naremore James. The world without a Self: Virginia Woolf and the Novel. New Haven&London.1973

¹⁰Жантиева Д.Г. Английский роман XX века. 1918-1939. М., 1965. С.99.

¹¹Михальская Н.П. Пути развития английского романа 1920-1930-х годов: Утрата и поиски героя. М., 1966.

С.78.Михальская Н.П. Вулф, Вирджиния // Зарубежные писатели: Биографический словарь. 4.1. М., 1997. С.147-151.

¹²Гениева Е. [Предисловие к роману Миссис Деллоуэй] // Новый мир, 1988, № 9. С.165.

¹³Бушманова Н.И. Английский модернизм: психологическая проза. Ярославль, 1992. С.53.

¹⁴Бахтин М.М. Формы времени и хронотопа в романе // Литературно –критические статьи М.,1986

¹⁵Холбеков М. XX аср жаҳон модерн адабиёти манзаралари. Мақолалар тўплами,-Тошкент: “Mo`mtoz so`z” 2014. 135-137 бетлар

¹⁶Қуронон Д. Адабиётшуносликка кириш. –Тошкент: “Халқ мероси”нашриёти,2004.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Жиззах давлат педагогика институтининг “Хорижий тилшунослик, адабиётшунослик ва таржимашуносликнинг долзарб муаммолари” илмий тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади аёл ички дунёсини тасвирлаш жараёнида Виржиния Вулфнинг бадиий олами ва маҳоратини очиб бериш.

Тадқиқотнинг вазифалари кўйидагилардан иборат:

Виржиния Вулфнинг экспериментал романларини икки турдалигини ва шу жанрдаги анъанавий романлардан фарқини кўрсатиб турувчи муҳим хусусиятларини очиб бериш;

Виржиния Вулфнинг романиларида сюжет ўрнида бир қанча таъсирчан эпизодлардан фойдаланганлигини асослаб бериш;

Виржиния Вулф романларида аёллар ички дунёсини очиб берувчи асосий омилларни аниқлаш ва тасвирлаш;

Виржиния Вулф экспериментал романларида аёл портретини яратишдаги маҳоратини очиб бериш;

Виржиния Вулфнинг сўнги романларида хронотопнинг бузилишини аниқлаш;

Виржиния Вулфнинг автобиографик романларида муаллиф портретининг ёритилиши даражаси аниқлаш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида Виржиния Вулфнинг (“Жейкоб хонаси” (1922), “Дэллоуэй хоним” (1925), “Маёқ сари” (1927), “Орландо” (1928), “Тўлқинлар” (1931) номли романлари инглиз тилидаги оригинал нашрлари олинган.

Тадқиқотнинг предметини Виржиния Вулфнинг романларида аёл ички дунёсининг тасвири, ифода йўсинлари, услубий ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда назарий (таҳлилий-синтетик, қиёсий-таққослаш, аналогия, бадиий матн таҳлили), прогностик (эксперт баҳолаш, мустақил баҳоларни умумлаштириш) методлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги кўйидагилардан иборат:

Виржиния Вулфнинг барча романларида яхлит ва раво ҳикояга эришиш модернизм прозасининг асосий услуби экани очиб берилган;

Виржиния Вулф романларида «аёл» тушунчасининг акс эттирилиши, аёл қалбида кечаётган ҳиссиётларни, изтиробларни тасвирланиши, уларнинг эркаклар маданиятига муносабати фактик материаллар орқали асосланган;

Виржиния Вулфнинг “Дэллоуэй хоним” ва “Маёқ сари” романларида аёллар ички дунёсининг асосий омиллари ва аёл портретини яратишдаги маҳорати далилланган;

сюжет ўрнида таъсирчан эпизодлардан фойдаланиш масаласи илк марта “Жейкоб хонаси” романи таҳлили орқали ёритилган;

“Орландо”, “Маёқ сари” ва “Тўлқинлар” романларида хронотоп (вақт ва замон) меъёр талабларида эмаслиги исботланган ҳамда муаллиф портретининг ёритилиш даражаси “Орландо” автобиографик романи талқинида далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. XX аср Европа модерн адабиётида асосий жанрлардан ҳисобланган роман жанрининг тадрижий тараққиётини ёритиш ва бу жараёнда Виржиния Вулф прозасининг ўрнини аниқлаш муҳим аҳамият касб этган;

тадқиқотда мазкур жиҳатларни тадқиқ этиш билан муаллиф ўтган аср Европа адабиёти тарихи ва назариясини яратишда фойдали манба бўлишини асослаб берган;

диссертация мазмуни ва натижалари замонавий ўзбек адабиётшунослигини ғарб модерн адабиёти анъаналари билан бойитишда муҳим қўлланма вазифасини ўташи асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот мавзуси бўйича чиқарилган хулосаларнинг аниқлиги, муаммонинг аниқ қўйилиши, ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, фактик тил материаллари, чоп этилган рисола, мақолалар ҳамда электрон нашр махсус сайтлардан олинганлиги ҳамда ушбу хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, матнлар таҳлили қиёсий–тарихий, қиёсий-типологик таҳлил қилиш методлари асосида олиб борилган натижаларининг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, у адабиётшуносликда юзага келган янги йўналишлар ва мавзуларнинг миллий-маданий хусусиятларини ўрганиш, уларнинг ўзбек адабиётшунослигига таъсир этаётганини аниқлаш ҳамда инглиз адабиётида яратилган асарларнинг табиатини қиёсий ўрганган ҳолда улар орасидаги мазмуний-услубий мувофиқлик ҳолатларини аниқлаш ва бадиий асар таҳлилида талқин этиш йўли ва имкониятларини белгилаш тўлақонли инглиз миллий маданий хусусиятларини кўрсатиш учун илмий манба сифатида хизмат қилади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, республика олий ўқув юртларида “Тили ўрганилаётган мамлакатлар адабиёти тарихи”, “Жаҳон адабиёти”, “Қиёсий адабиётшунослик”, “Адабий танқидчилик тарихи”, “Адабий алоқалар”, “Замонавий хорижий адабиёт” фанлари бўйича дарслик, ўқув қўлланма, ўқув-услубий қўлланмалар яратишда, маъруза ва семинар машғулотларини олиб боришда, битирув малакавий ва магистрлик ишларини бажаришда, инглиз тили ва адабиёти йўналишида таълим олаётган талабалар, ўқитувчилар фойдаланишлари учун Европа модерн адабиёти тарихидан махсус курслар яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Виржиния Вулф экспериментал романларининг бадиий хусусиятларини ўрганиш жараёнида олинган илмий натижалар асосида:

инглиз модерн адабиёти билан боғлиқ муаммолар тасвири натижаларидан И-204-4-5-рақамли “Инглиз тили мутахассислик предметларидан ахборот-коммуникацион технологиялари асосида виртуал ресурслар яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш” мавзусидаги инновацион тадқиқотлар лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 5 февралдаги 89-03-480-сон маълумотномаси). Натижада, инновацион тадқиқот лойиҳаси асосида ўқитувчиларнинг лингвистик ва коммуникативлик қобилияти ва адабиётшунослик асослари билими оширилган, ҳамда таълим тизими жараёни такомиллаштирилган;

Виржиния Вулф романларида аёл ички дунёсининг тасвирланиши бўйича олинган натижалардан ОТ-Ф8-062-рақамли “Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари” номли фундаментал тадқиқотлар лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 5 февралдаги 89-03-480-сон маълумотномаси). Натижада, XX асрнинг биринчи ярмида инглиз адабиёти контекстида Виржиния Вулф романларида аёл ички дунёси тасвирланишининг алоҳида позициясини аниқлаган асосий омилларни батафсил кўриб чиққанлиги илмий асослаб берилган ҳамда ўзбек тилшунослиги ва адабиётшунослигида жаҳон адабиётининг таъсирини аниқлаш имконини берган;

Виржиния Вулф романларида аёл ички дунёсининг тасвирланиши бўйича олинган натижалардан Европа Иттифоқининг Эрасмус+ дастури доирасида 561624-EPP-1-2015-UK-EPPKA2-SBHE-SP-ERASMUS+SBHE IMEP рақамли “Ўзбекистонда олий таълим тизими жараёнларини модернизациялаш ва халқаролаштириш” номли инновацион тадқиқотлар лойиҳасида фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 5 февралдаги 89-03-480-сон маълумотномаси). Натижада, ўқитувчиларнинг лингвистик ва коммуникативлик қобилияти, адабиётшунослик асосларидан билимлари оширилган халқаролаштириш мақсадида яратилган услубий қўлланмалар ишлаб чиқишда фойдаланилган;

Виржиния Вулф романларида аёл ички дунёсининг тасвирланиши бўйича олинган натижалардан Буюк Британия Экзетер университетининг кутубхонасида инглиз адабиётига бағишланган семинарда фойдаланилган (Экзетер Университетининг 2020 йил 16 январдаги 690011679-сон маълумотномаси). Натижада, семинар иштирокчилари Виржиния Вулфнинг адабий ва бадиий услуби замонавий адабиётга катта таъсир кўрсатган деган хулосага қўшилдилар.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Олиб борилган тадқиқотнинг асосий мазмуни ва натижалари муаллифнинг 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 3 та халқаро ва 2 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш, жумладан, 1 рисола чоп этилган

бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этилган нашрларда 6 та мақола чоп этилган, жумладан, хорижий илмий журналларда 4 та мақола нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, унинг умумий ҳажми 175 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган. Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг илмий ва амалий моҳияти ёритилиб берилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар ҳамда тадқиқот тузилиши бўйича маълумотлар келтириб ўтилган.

Диссертациянинг **“Виржиния Вулф экспериментал романининг бадиий структураси”** деб номланган биринчи бобида Виржиния Вулф асосий эътиборни инсон “ички дунёси”га, унинг психологиясини тасвирлашга қаратиш баробарида у матннинг тарихий воқелик билан қатъий алоқаси доирасидан дахлсизлигига интилиши кўриб чиқилади.

Вулф ўзининг романнавислигидан ташқари модернизм назариётчиси ҳам ҳисобланарди. Шу билан бирга у ўз эсселарида қўллаган адабий қонун-қоидаларни ҳар доим шахсий ижодида тасдиқлаб, асослаб беришга интиларди. Виржиния Вулфнинг фикрига кўра, ёзувчи қочиб учун барча йўлларни тўсиб турган романнинг анъанавий бўлган услубининг ўзи “моддий”ликка эътибор қаратишга имкон яратади. Виржиния Вулф романнавис учун қандайдир “идеал услуб”ни таърифламоқда. Бу “идеал услуб” тафаккурга синггувчи “ўша сон-саноксиз таассуротлар”ни қайд этишдан иборат. “Жисм”ни эмас, балки “қалб”ни, инсон руҳиятининг ички фаолиятини тасвирлаш асосий мезонга айланди. Виржиния Вулф учун романнинг мавзусини ўзгариши романчилик структурасининг муқаррар ўзгаришига олиб келмоғи лозим эди.

Виржиния Вулф ўз асарларида кўпинча аёл муаммосини, уларнинг эркақлар маданиятига муносабатини, аёллар бадиий ижодининг ўзига хослигини, иқтисодий мустақилликнинг аёллар учун аҳамиятини кўтариб чиқади. Инглиз адабаси аёл образини ўз асарларида ўзига хос равишда акс эттирди. Вулф нафақат замонавий аёлни, унинг қарашлари ҳамда ички ҳис-туйғуларини, балки унинг образида ўзининг тасаввуридаги идеал аёлни тасвирлашга ҳаракат қилади. XVIII-XIX асрларда Британия адабиётида "аёллар образи" нинг кенг талқин этилиши инглиз заковатли аёлларининг ўз

ҳуқуқ ва имтиёзларини англаб идрок этиш, тушуниш жараёнини ёрқин кўрсатиб берди. Шунини таъкидлаш лозимки, бу тушунча бир неча қатламлардан иборат: бир томондан, "аёллар сўзи"га муносабат – романнависнинг ҳақиқий ҳаётидаги бевосита хатти-ҳаракатларида; бошқа жиҳатдан, аёллар томонидан ёзилган асарларнинг сюжети, бадиий ғояси ҳамда аёл-қаҳрамон образида ўз ифодасини топади. Виржиния Вулф ижодида "аёл" тушунчасининг акс эттирилиши етарлича кўп қиррали бўлиб, адиба тушунчаларни бирлаштириб, уларни тушунчалар доирасида қўллаб ва тафаккурда янги маъноларни шакллантириб фикрлайди. Виржиния Вулф тафаккурида "аёл" тушунчаси ички кечинмалар таъсирида намоён бўлиб ўзига хос поэтик баён усулида ифодаланади.

Харвена Рихтер одилона айтиб ўтганидек: “Виржиния Вулф предметга субъектив тарзда қарайди, у ўзининг ташқи қиёфасини фикрлар, хотиралар ҳамда инсон сезгилари орқали кашф этади... предмет персонажнинг тафаккури ҳамда ҳис-туйғулари орқали кўринишини ва рангини ўзгартириши мумкин; у “мен”нинг кўзгудаги аксига айланади”.¹⁷

Виржиния Вулфнинг илк тажрибавий асарларидаёқ бевосита унинг романнавислик ижодининг характерли хусусиятларига гувоҳ бўлиш мумкин: реаллик у учун – доимий, оддий ва инсонни ўраб турган объектив олам, инсон ва уни ўраб турган борлиқ ўртасидаги чуқур муносабат, ўзаро алоқадир. Шу билан бирга адиба прозасининг бош вазифаси фараз қилинади – роман персонажларининг “ҳиссиёт ва тасаввур этиш онлари”, “турмуш лаҳзалари”ни тасвирлаб бериш. Айнан шу лаҳзаларда тафаккур реалликни англайди ва идрок этади.¹⁸ Н.К. Ильина таъкидлаганидек – “Виржиния Вулф асарларида реаллик, ташқи дунё ва ундаги воқеа-ҳодисалар билан эмас, балки фақатгина дилдагини айтиш онларидагина намоён бўлувчи яширин ички имкониятларни кўрсатиб бериш билан уйғунлашади”.¹⁹ Аммо, эндиликда анъанавий романнинг адабий “инструмент”лари шу реалликни, “шу турмуш лаҳзаларини” ифода этишга қодир эмас. Инсоннинг универсум билан яқдил умумлашувини ифодалаш учун унинг чуқур руҳий жараёнларини ҳам айнан тасвирлаб бера оладиган янги услуб зарур.

Виржиния Вулф тажрибавий романлари айнан қайси услубда ёзилгани тўғрисида фикр юритилганда, тадқиқотчиларнинг қарашларидаги тафовутнинг катталиги сезилади. Шу ўринда У.Дэйвенпортнинг фикрига тўлиқ қўшилиш мумкин: “Онг оқими” жумласи бизга тезда Виржиния Вулфни англашимизга имкон берувчи сеҳрли фусункор таъриф эмас. Биз шунини ёдда тутмоғимиз лозимки, мазкур жумла диққат эътибори сюжетдан кўра кўпроқ руҳиятга қаратилган романларнинг мутлақо умумий классификацияси эмас. Бундай романларда персонажларнинг индивидуал

¹⁷Richter, Harvena. Virginia Woolf: The Inward Voyage. Princeton, 1970. P.67.

¹⁸Naremore, James. The World without a Self. Virginia Woolf and the Novel. New Haven, London, 1973. P.35.

¹⁹Ильина Н.К. Рассказы В.Вулф и Олдоса Хаксли:(Опыт сопоставительного анализа)// Модификация художественных систем в историко - литературном процессе. Свердловск, 1990.С.116.

онги таассуротларини яратиш йўли билан руҳият тасвирланади”.²⁰ Вулфнинг айнан персонажнинг ҳиссий “мен”и акс эттиришга бўлган интилиши персонаж ва ўқувчи ўртасидаги кўзга кўринмас бевосита яқинлик, асар қаҳрамонининг нафақат қалбини, балки унинг ташқи қиёфасини ҳам кўра олиши мумкин бўлган ўзига хос кузатувчи иштирокида “онг оқими”ни белвосита ифодалаш зарурлигини кўрсатади. Персонажнинг “мен”ида нафақат психологик нюанслар, балки унинг бўлиб ўтаётган воқеаларга “ҳаракатлантирувчи реакция”си ҳам муҳимдир. Аммо, бу кузатувчи ҳамиша шаффоф, очик ойдин бўлмоғи лозим, чунки, “онг оқими”, айтиб ўтилганидек, персонажнинг бевосита ички дунёсини акс эттиришга ундайди.²¹ Айрим тадқиқотчилар “ички монолог” ёки “шахсий нутқ эмас” деб ҳисоблашган “Дэллоуэй хоним” ҳамда “Маёқ сари” романларида шундай услубнинг қўлланилиши ҳам айнан шундан.

Модернистик романларнинг моҳияти ташқи дунёдан инсон ички дунёсига кўчирилиши, воқелик “ичкаридан” идрок этилиб, персонаж онгида янги маъно касб этиши ва бунда воқеликни айнан инсон онгида идрок этилишининг спектрини тасвирлаш муҳим маъно касб этади.

Персонажларнинг ҳаётгиллиги уларнинг одатлари, қилиқлари, либослари, хулқ-атвори, ижтимоий аҳволида эмаслигини Виржиния Вулф эдвардианц ёзувчиларга тана қилади. Аммо, персонажларни ушбуларсиз тасвирлаш романнавис учун ғоят мушкуллиги шубҳасиз. Асосий эътиборни “моддий”ликдан “руҳият”га қаратишни Виржиния Вулф асосий йўл деб эътироф этади. Аммо, романнавис учун инсон қалбида кечаётган ҳиссиётларни ҳамда изтиробларни тасвирлаш – бу, аслида, инсон руҳиятининг чексиз уммонида эркин мантикий фикрлаш демакдир. “Жейкоб хонаси”, “Дэллоуэй хоним”, “Маёқ сари”, “Тўлқинлар” романларида инглиз адабаси кенг равишда “онг оқими”ни акс эттиради. Персонажларнинг “ички дунё”сини, “психология”сини тасвирлаш, албатта, XX аср бошларида мутлақо янгилик эмас эди (ўн тўққизинчи аср психологик романларининг ёрқин намуналарини эслашнинг ўзи кифоя). “Онг оқими”нинг анъанавий романлардаги персонажларнинг ички монологидан асосий фарқи ҳисобланади. Анъанавий романлар адабийлиги, ўтмиш, бугун ва келажакни тасвирлаши билан ажралиб туради.

Вақт категорияси Виржиния Вулф ижодида парчаларни бир бутун романга бирлаштиришнинг асосий принциплари ҳисобланади. “Субъектив замон”дан “объектив замон”га мурожаат қилиб, Виржиния Вулф романларида объективлик кўпроқ тасвирланганини сезиш қийин эмас. Виржиния Вулф романларида айнан замон ҳикоянинг бутун асосини мустаҳкамловчи муҳим омил бўлиб хизмат қилади. “Дэллоуэй хоним” романида “айни шу замон лаҳзалари”да шахс кечинмалари ҳамиша ўтмиш

²⁰Davenport, W.A. To the Lighthouse (Virginia Woolf). Oxford, 1969. P. 13

²¹Dahl, Lisa. Linguistic features of the Stream-of-consciousness techniques of J. Joyce, Virginia Woolf and Eugene O’Neill. Turku, 1970. P. 11

хотиралари билан тўйинтирилганлигида кўринади. Виржиния Вулфнинг экспериментал асарлари учун айнан бошқа йўналиш хосдир. У эдвардианц-ёзувчиларнинг айнан “ташқи”, “тарихий”, “ижтимоий” жиҳатларга эътиборини, улар услубининг асосий камчилиги деб ҳисоблайди. Ва бунга қарама-қарши ҳолатда инглиз адабаси, асосий эътиборни инсон “ички дунёси”га, унинг психологиясини тасвирлашга қаратиш баробарида у матннинг тарихий воқелик билан қатъий алоқаси доирасидан дахлсизлигига интилади. У ўз романларида тарихий вақт категориясини иккинчи даражага, маргинал элемент даражасига тушириб, бунинг ўрнига вақт, замон тушунчасини рамзий ва психологик жараён сифатида қабул қилиб дадил қадам ташлади. Вақтнинг айнан шундай турли туманлигини Виржиния Вулф ҳикоя тузилишини ташкил этувчи элемент сифатида қарайди.

Диссертациянинг **“Виржиния Вулф романларининг композицияси: “Жейкобнинг хонаси”, “Дэллоуэй Хоним”, “Маёқ сари”**” деб номланган иккинчи бобнинг тадқиқи давомида Виржиния Вулф романлари структураси турлича эканлигини “Жейкоб хонаси”да асосан эркин ҳикоя қилиш услубидан фойдаланганлиги аниқланган, “Дэллоуэй хоним” романида онг оқими тасвирига асосланганлиги ва учинчи “Маёқ сари” романида эса асар матнининг мусиқавий оҳангда эканлигини ёрқин мисоллар билан асослаб кузатиш мумкин.

Виржиния Вулф учун “Жейкоб хонаси” (*Jacob's Room* 1922) романи тузилишида типик услуб ҳисобланади. Турли микронарративларни шундай бошқариш керакки, бир воқеани бошқасига уловчи, структура жиҳатидан энг муҳим бўлган ҳолатлар ҳамма вақт марказдан четда қолиб кетади. “Аҳамиятсизликнинг” ўзига хос тантанаси юз беради, тўғрироғи, анъанавий роман нуқтаи назаридан аҳамиятсиз. Масалан, Даррант хоним Паско хонимникига келади: бутун воқеадан Даррант хонимнинг битта микронарративни бошқаси билан боғловчи биргина жумласи муҳим – “I expect my son in a day or two,” said Mrs. Durrant. “Sailing from Falmouth with a friend in a little boat.... [193;31-б] - “Тез орада менинг ўғлим келади. Фалмутдан ўртоғи билан қайикда сузиб келмоқда” – аммо, бу жумла гап орасида айтиб ўтилади ва атайлаб картошка касалланганлиги ҳамда Даррант хонимнинг понида қилган саёҳатлари ҳақидаги суҳбатларга “ғарқ қилинади”.

Натижада парадоксал вазият юзага келади: бундан ташқари, асосий ҳикоя, кўплаб микронарративларга бўлинади – улардан ҳар бири аслида иккинчи даражали воқеликларнинг умумийлиги билан бошқасига тутшиб, боғланиб матнда асосий ўринни эгаллашга уринади.

Воқеаларнинг бундай кўплиги ҳамда уларни бир бири билан боғлашда Вулф қўллаётган усулни тўлиқ асос билан таҳлил этилаётган романнинг асосий хусусиятларидан бири деб ҳисоблаш мумкин. Мазкур асарда Виржиния Вулф томонидан ишлатилаётган бундай ноодатий услубнинг мақсадини тадқиқотчилардан бири шундай таърифлайди: “Жейкоб хонаси” романи сизга ноаниқ боғланган нуқталар йиғиндисини, воқеаларни,

фикрларни, кечинмаларни, суҳбатларнинг парчаларини, онг оқимининг паға-паға кўпикларини ҳикоя қилади ва сиз уни ўқиётганингизда онгингиз қалами бир нуқтадан иккинчисига саёҳат қилади – ва ниҳоят сиз Жейкоб Фландерснинг нимаси биландир импрессионистик (санъатда санъаткорнинг ўз субъектив мушоҳадаси, ҳис-туйғу ва таассуротларини бевосита акс эттиришга қаратилган оқим), аммо аслиятга бехато ўхшаш тасвири билан қоласиз”.²²

“Жейкоб хонаси” – бу нафақат “янги услуб”нинг амалда синаб кўрилиши, бу қандайдир “янги қоида, тартиб”нинг яратилиши ёки Виржиния Вулфнинг сўзлари билан айтганда, ёзувчилар ва ўқувчилар ҳаяжонлантирувчи дўстона мулоқот юритишлари учун шартли қоидалар кодексини ишлаб чиқишга уринишдир. “Жейкоб хонаси” романида реалистик романнинг анъанавий моделидан онгли равишда воз кечиш, узилиш мавжуд. Жейкоб Фландерс кечинмалари Жейкобнинг ўзи тез-тез фақатгина эпизодик, яъни тасодифий персонажларда чиқадиган кўплаб турли хил воқеалардан, микронарративлардан таркиб топган. “Бу романда ўсмирнинг улғайиш схемаси даврнинг меросхўри, қандайдир қаҳрамоннинг елкасидаги эскириб тўзиган ёпинчиқ билан қолади. Айёр, ҳийлакор ҳикоянавис ўз кечинмаларини ҳажвий тақлид қилади, қаҳрамоннинг улғайиб бориш таомилларини ва мантиқий тарзда, шу таомиллар сингган қадриятларни ҳажвий тақлид қилади.”²³ Бошқа тадқиқотчилар ҳам Виржиния Вулф ўз қаҳрамони билан ўйнаётган бундай “ўйин”нинг ноодатий эканлигини таъкидламоқдалар: “Жейкоб хонаси” романи анъанавий романлардан узилиш, улардан воз кечишнинг бош нуқтаси бўлиб қолди. Бу асари билан Виржиния Вулф саҳнадан ҳикоячини олиб ташлаш бўйича илк қадамини қўйди, шунинг учун ўқувчи асарнинг ичида юз бераётган воқеа ҳодисаларни персонажларнинг кўзлари билан кўриб, кузатиб бориши мумкин”.²⁴

Асар қаҳрамонининг ички дунёсининг ўзгариши тўғрисида ўқувчи фақатгина ташқи белгиларга қараб мулоҳаза юритишга мажбур бўлади. “Жейкоб хонаси” романида асар услубининг ўзи мутлақо алоҳида ҳикоя ролида келади. Романнинг юзасида – қандайдир воқеалар, ҳаёт оқими; асар ичида эса – парчалардан иборат бўлган матн яхлитликка, тугалланган асар каби бўлишга интилиш ётади. Ва бундай “ташқи” ва “ички”, “мазмуний” ва “шаклий” ҳикояларда Жейкоб муҳим, асосий фигура сифатида намоён бўлади. Бу икки ҳикоя ўзининг кульминациясида бирлашадилар. Мазмун жиҳатидан: Жейкобнинг Грецияда яшаган даври, Сандра Уэнтурт-Уильямсга бўлган кучли севгиси – шаклий жиҳатдан эса: ниҳоят, матн ўз қаҳрамонига, сюжетига, хронологик тартибига эга бўлади. Вулф романда

²²Chambers, R.L. The Novels of Virginia Woolf: A Critical Study. Edinburgh, London, 1947. P.29.

²³Little, Judy. "Jacob's Room" as Comedy: Woolf's Parodic Bildungsroman // New Feminist Essays on Virginia Woolf. L., 1981. P.105

²⁴Bennett, Joan. Virginia Woolf: Her art as a novelist. Cambridge, 1964. P.91.

асосий эътиборни бош қаҳрамонни тасвирлашга эмас, балки уни ўраб турган маконга қаратди. Бу ерда замоннинг аҳамиятини камайтириш тасодиф эмас: Вулф ўз ижодининг мана шу босқичида замонга, ижтимоий матн ва воқеликнинг ташқи белгилари билан узвий боғланган тарихий категория сифатида қарайди. Бош қаҳрамоннинг мавжуд бўлмаслигини ҳикоя қилиш услуби сифатида идрок этмаслик лозим. Бунда дунёни модернистик идрок этиш нафақат роман қурилишида, балки унинг мавзуида ҳам аҳамият касб этади. Асар хотимасида охири Жейкоб Фландерс урушда ҳалок бўлади – ва қаҳрамоннинг ўқувчидан онгли равишда узоқлашиши бизга ўлимдаги қиёфасизлик ҳиссини уйғотади – бу эса XX аср жаҳон урушларидаги ўлимлар учун меъёрга айланади.

“Дэллоуэй хоним”(Mrs Dalloway, 1925) романи “Маёқ сари” ва “Тўлқинлар” романларининг давоми ўлароқ Виржиния Вулф ижодида янги босқичнинг бошланганидан дарак беради. “Дэллоуэй хоним” романида Виржиния Вулф услуб бўйича тажрибаларини давом эттирсада, барибир ушбу роман “Жейкоб хонаси” романига караганда бошқа бир қанча формал принципларга асосланиб яратилган.

Мазкур янги романда замон категорияси муҳим ўрин тутаяди, Виржиния Вулф аниқ вақтларни акс эттиришга ҳаракат қилади. Виржиния Вулф романларида “турмуш лаҳзалари” шунчаки бўшлиқда вужудга келмайди – у мантиқнинг ривожига асосланади. Шу каби “лаҳзаларни” яратиш учун дискурсга персонаж кечинмалари, хис туйғулари, фикрлари, ташқи таассуротларидан таркиб топувчи “ички макон” зарур бўлади.

“Дэллоуэй хоним” романининг илк саҳифалариданоқ сюжет воқеа ҳодисалари (персонажлар бир бирларига айтадиган луқмалари, ёки уларнинг маконда кўчиб юриши) асар қаҳрамонларининг “онг оқими” муҳитида аниқ режаланган. Шу ўринда Ральф Фридман фикрларини ҳаққоний деб ҳисоблаш мумкин: “Дэллоуэй хоним” – Виржиния Вулф поэтик нуқтаи назари яхши ўйлаб топилган воқеаларга мос бўлган “янги” романлари ичида биринчисидир. Замонавий намоён бўлиш сюжетида урғу кўчади, энди дискурсининг вазифаси саволга жавоб беришда ёки ҳатто уни беришда ҳам эмас... Воқеа ечим топмайди (ижобий ёхуд салбий), аммо муносабатлар ҳолати кузатилиб қолади”.²⁵

Виржиния Вулфнинг бошқа экспериментал асарлари каби “Дэллоуэй хоним” романи ҳам ягона лирик услубда ёзилган ва турли персонажларнинг “онг оқими” қаттиқ талабдан келиб чиқиб, умумий услубий йўсинда тасвирланган яъни “майда зарралар онгимизга қандай тартибда ўрнашаётган бўлса ўша ҳолатда тасвирлаш”га ҳаракат қилган Жойснинг ижодий услубига кескин қарама-қаршилик сезилади. Ўзига хос таҳлиллар “фикрлади у (эркак)”, “фикрлади у (аёл)” – бу нафақат у ёки бу персонаж онг оқими ҳикоясига кириш, балки асарда шундай ҳикоячининг мавжуд эканлигига

²⁵Freedman, Ralph. The Lyrical Novel. Princeton, 1963. P.213

қўшимча белгидир. Бу ҳикоячи сўзлаб берувчи сифатида намоён бўлиб ўқувчига асар қаҳрамонларининг руҳий, ақлий кечинмалари ва ҳолатларини ҳикоя қилиб беради. Юқорида таърифланган услубий усулларнинг Виржиния Вулф экспериментал асарларида қўлланилиши нафақат композицион (асарнинг тузилишига оид) аҳамиятга эга, балки янада муҳимроқ масалаларни ҳал этишга қаратилган. Септимус Смит учун ҳам, Кларисса Дэллоуэй учун ҳам “катта макон” Лондон ҳисобланади. Айнан Лондон кўчаларида ва хиёбонларида улар автобиографияга ўхшаш нарсаларни бошдан кечирадилар – қаърида, туб тубида муқаррар ўлим бўлганолам, катта ҳаёт олдидаги кўркув. Манзара қандайдир метафизик ўлчамга айланади, абадийлик ва охират белгиларини кашф этади: “Did it matter then, she asked herself, walking towards Bond Street, did it matter that she must inevitably cease completely; all this must go on without her; did she resent it; or did it not become consoling to believe that death ended absolutely? but that somehow in the streets of London, on the ebb and flow of things, here, there, she survived, Peter survived, lived in each other, she being part, she was positive, of the trees at 5 home; of the house there, ugly, rambling all to bits and pieces as it was; part of people she had never met; being laid out like a mist between the people she knew best, who lifted her on their branches as she had seen the trees lift the mist, but it spread ever so far, her life, herself.”[194;5-6-б]-“Ростдан ҳам бу яхшими, дея у Бонд-стритга яқинлашаётиб ўз-ўзидан сўрайди, қачонлардир унинг бу оламда мавжудлигига нуқта қўйилади; барчаси қолиб кетади, у эса бу оламда бўлмайди, ҳеч қаерда. Чиндан ҳам бу аламлими? Ёки аксинча – ўлим ҳаётнинг мутлақо яқун топишини англатишини ўйлаш ҳам таскин ва тасалли беради, аммо қандайдир тарзда Лондон кўчаларида, кезиб юрган шовқин-суронида аёл қолади, Питер ҳам қолади, улар бир-бирларининг руҳида яшашади, ахир унинг ярми – аёлнинг ишончи комил – кадрдон дархтларда зоҳир; улар орасида ташландиқ ва ночор ярим вайрона кулбада, аёл ҳеч қачон кўрмаган инсонларда ва унинг ўзи яқинлари ўртасида туман каби ястаниб ётибди ва улар уни дарахтлар мисоли шоҳлар билан кўтаришади, зеро, аёл дарахт шоҳларидан туман кўтарилганлигини кўрган эди, аммо унинг ҳаёти унинг ўзи каби қанчалик узоқ-узоқларга ёйилади”.

Макон тушунчаси иглиз адибасининг олдинги романи “Жейкоб хонаси”да қанчалик муҳим аҳамият касб этган бўлса, “Дэллоуэй хоним” романида у ўзининг муҳим ўрнини вақт категорияси, яъни, замон тушунчасига бўшатиб беради. Бунда замон категорияси ҳикояга бутунлик ҳамда тугалланганликни таъминловчи самарали қурол ҳисобланади. Романнинг хотимаси, Питер Уолшнинг “ҳаёти онлари” вербал жиҳатдан белгиланган.

“Маёқ сари”(To the LightHouse,1927) инглиз адибасининг бошқа асарларининг ичида бир мунча “мумтоз” деб аташ мумкин. “Маёқ сари” романи сюжети, воқелар жойи ва тасвирланиши бир бири билан чамбарчас боғлиқ ва бунинг натижаси ўлароқ Виржиния Вулф томонидан ёзилган

бошқа исталган асарлар ичида бир мунча самаралироқ асардир”.²⁶ “Маёк сари” романи Вулф ижодидаги “бир-бирига боғлиқ бўлмаслик, пойинтар-сойинтарлик” принципнинг кейинги ривожини кўрсатиб берди. Биз юқорида айтиб ўтганимиздек, агар “Дэллоуэй хоним” романида иккита ҳикоя йўналиши – Кларисса Дэллоуэй йўналиши ҳамда Септимус Смит йўналиши мавжуд бўлса, у ҳолда “Маёк сари” романида ҳар бир иштирокчи вақти вақти билан ҳикоянинг “харакатлантиргич”и вазифасини бажаради, нарратив (ҳикоя) ҳар доим ҳаракатда, бир персонаждан иккинчисига алмашилиб туради.

Харвена Рихтер “Маёк сари” романидаги ҳар хил қарашларнинг турли туманлигини асосий учта турга, идрок этишнинг алоҳида учта усулига ажратади: “рассом (Лили Бриско) нинг идроки орқали, болаларча (Жеймс, Нэнси ва Кэм) идрок этиш орқали ва Рэмзи хоним идроки орқали ...”²⁷

“Маёк сари” романида муаллиф-ҳикоячи Виржиния Вулф эстафета таёқчасини бир персонаждан бошқасига ўтказган каби воқеаларни биридан бошқасига ўтказиб гўё ўз асари ортига яширинади ва парадоксал равишда асарнинг ўзига хос бўлмаган қисмида пайдо бўлади. “Виржиния Вулф, - деб ёзади Майкл Розенталь, - онг ўзини, инсонлар ва атроф муҳитни ўраб турган нарсалар билан қабул қилиши усули билан мафтун қилган ва “Маёк сари” романи ҳам характернинг текис чизиқлари билан эмас, балки инсонийлик ўзаро таъсирнинг долзарб динамикаси, инсонийлик ўзаро муносабатлар яратадиган уша тасодифий тебранишлар ва ноаниқликлар билан иш олиб боради”.²⁸

“Маёк сари” романнинг энг биринчи сатрларидан, ўғли Джеймсининг “Эртага улар маёққа боришадими?” деган охиригача айтилмаган саволига онаси Рэмзи хонимнинг жавобидан бошланади: “Yes, of course, if it's fine tomorrow,”- said Mrs Ramsay. ”[195; 4-б]-“ – Ха, албатта, агар эртага об-ҳаво яхши бўлса, деди хоним Рэмзи”.

“Маёк чизиғи” персонажлар томонидан оғзаки, ташқи ҳаракатлар орқали ифодаланаётгани ҳам эътиборлидир ва бу ерда асосий тасвир “Лили Бриско чизиғи” ҳисобланиб, унинг расм устида олиб бораётган иши тўлиқлигича ички ҳаракат ва ички хавотирлардир. Унинг суратини бир мартагина жаноб Бэнкс кўрган ва ўзга нигоҳнинг тушиши бирданига ҳақиқий кулфат даражасигача кўтарилади: “....Lily, rousing herself, saw what he was at, and winced like a dog who sees a hand raised to strike it. She would have snatched her picture off the easel, but she said to herself. One must. She braced herself to stand the awful trial of someone looking at her picture. One must, she said, one must. And if it must be seen, Mr Bankes was less alarming than another.” [195; 43-б] - “...Лили, сал кўтарилиб, гап нимада эканлигини тушунди ва уриш учун кутарилган қулни кўриб, ит сингари ғужанак бўлди. У суратни молбертдан

²⁶Daiches, David. Virginia Woolf. London, 1945. P.92

